

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 6 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 6 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аминов Хамидулла Абдирахимович -</i> БОБУР ДАВРИДАГИ САМАРҚАНД ШАЙХУЛИСЛОМИ	9-14
<i>Неъматов Рустам Абдуваид ўғли</i> ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР	15-23
<i>Raxmanov Zafar Adilovich, Aloxunov Alisher Ahmadjonovich</i> FARG'ONA VODIYSI ARXEOLOGIK YODGORLIK LARI JOYLASHUV QONUNIYATLARI: TAHLIL VA MULOHAZALAR	23-32
<i>Мансуров Музаффаржон</i> СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ ТУРИЗМНИНГ ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	32-42
<i>Mirsoatova Sayyora Turg'unovna, Muhsiddinov Ahrorbek Mamurovich</i> FARG'ONA MEZOLIT VA NEOLIT DAVRI JAMOALARINI O'ZARO MADANIY ALOQALARI XUSUSIDA	43-48

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Kurpayanidi Konstantin Ivanovich</i> COVID-19 PANDEMIYASI OQIBATLARINI BARTARAF ETISH SHAROITIDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARNI JORIY ETISH MASALALARI	49-55
<i>Mexmonaliyev Ulug'bek Erkinjon o'g'li</i> КОМПАНИЯЛАР САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ О'РНИ	56-65
<i>Абдуллаева Зульфия Иззатовна</i> ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПОВЕДЕНИЕ КЛИЕНТОВ ГОСТИНИЦ	66-74
<i>Алимова Муниса Юлчиевна</i> ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАСНИФИ	75-80
<i>Абдиева Наргиза Шухратовна</i> ИЧКИ АУДИТДА ФИРИБГАРЛИК РИСКНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ	81-91
<i>Тўхтасинова Дилдора Раҳмонбердиевна, Ахунова Маърифат Хакимовна</i> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ҲАЁТ	92-97
<i>Tojimatov Izzatbek Ikromali o'g'li</i> BOZOR ISLOHOTLARI SHAROITIDA MOLIYAVIY HISOBOTLARNI SHAKLLANTIRISH MASALALARI	98-103
<i>Савинова Галина Анатольевна</i> ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ЧЕРТЫ МСФО И НСБУ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА СОСТАВЛЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ	104-108
<i>Qodirov Sardorbek Isroiljon o'g'li</i> QURILISH SANOATI KORXONALARI FAOLIYATINI RAQAMLI TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISH MASALALARI	109-114

Урдушев Хамракул, Мавлянов Мажид, Эшанкулов Сирожиддин, Розиева Гулхаё
 АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА РАҚАМЛИ
 ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ 115-125

Худаярова Хуршида Абдуназаровна
 ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУАММОЛАРИ
 ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ 126-132

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Бойдадаев Абдуррохмон Толибжон ўғли
 РЕНЕССАНС ДАВРИДА ПАНТЕИСТИК ҚАРАШЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ..... 133-141

Аликулов Хусниддин Акбарович
 ҲОЗИРГИ ДАВРДА ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ХАВФ-ХАТАР ВА НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР .142-151

Саидова Камола Усканбаевна
 РЕНЕССАНС ДАВРИ САНЪАТИ – ЖАҲОН МАДАНИЯТИ АЖРАЛМАС ҚИСМИ
 СИФАТИДА 152-156

Shirinov Anvar Qanoatovich
 MARKAZIY OSIYODA INSON TARAQQIYOTI SOHASIDAGI STRATEGIYALARNING IJTIMOIIY-
 FALSAFIY TAHLILI 157-162

Хасанов Бобуржон Хакимович
 ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИ ОЛДИНИ
 ОЛИШНИНГ ҲОЖИВИЙ-МАҲКУРАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ 163-167

Xodjayeva Fotima Nabixonovna
 AHMAD G'AZZOLIYNING "SAVONIH" ASARI HAQIDA QISQACHA TASNIF168-172

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Rustamova Shaxnoza Abduraximovna
 MATN, TARJIMA TURLARI VA TARJIMADA TARJIMON MAHORATINING O'RNI 173-180

Abdulloyeva Kamola Mirxon qizi
 MUALLIF DISKURSIV SHAXSI TUSHUNCHASI, STRUKTURASI VA RIVOJLANISH
 TENDENSIYALARI 181-191

Turg'unova Fazilat Rustam qizi
 PRAGMALINGVISTIKA NUQTAI NAZARIDAN SARLAVHA FUNKTSIYALARI 192-197

Saidov O'lmas Raxmatovich
 O'ZBEK TILI ISH YURITISH TERMINLARINING ETIMOLOGIK TAVSIFI 198-206

Xuramova Dildora Rahkmonkulovna, Axmedova Firuza Asrorovna
 O'ZBEKISTONDA TARJIMONLARNING TARJIMA USLUBINI BERILISHI XUSUSIDA 207-213

Ataboyev Isroiljon Mirza o'g'li
 MADANIYATLARARO SIYOSIY MAKONDA TAJOVUZKOR SALOHİYATGA EGA NUTQ
 TA'SIRINING USULLARI 214-219

<i>Murodova Nilufar Karomatovna</i> BLOGGERLIK FAOLIYATIDA MAHORAT MASALALARI	220-224
<i>Ochilova Hilola Husan qizi</i> XITOIY TILIDA NOMINALIZATSIYA HODISASI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	225-229
<i>Kuvonov Zarifjon Maxsiddin o'g'li</i> NEMIS TILIGA CHET TILIDAN O'ZLASHAGAN SO'ZLARNING STRUKTURAL-SEMANTIK TADQIQI	230-238
<i>Yakubova Nilufar Egamberganovna</i> "MULLO NASRIDIN" – TURKIY MATBUOT TARIXIDA MUHIM HODISA	239-245
12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i> ХАЛҚ ТАЪЛИМИДА МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ	246-256
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Jumayev Rustam G'aniyevich</i> IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH	257-263
<i>Бозорова Муслима</i> ЭТНОПЕДАГОГИКА ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ЎЗБЕКОНА МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА	264-270
<i>Samadova Sarvinoz Samad qizi</i> YOSHLARNI BAG'RIKENGLIK RUHIDA TARBIYALASHGA DOIR KOMPETENSIYALAR....	271-275
<i>Жўраев Воҳид Тожимаматович</i> РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ БОШҚАРИШ.....	276-288
<i>Бозорова Назокаат</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИГА ОИД МАҲАЛЛИЙ МУЗЕЙ МАТЕРИАЛЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА	289-295
<i>Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li</i> МАКТАВ О'QUVCHILARINI HUQUQIY TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISH TEKNOLOGIYALARI BORASIDA EKSPERIMENT ISHLARINI TASHKIL ETISH VA NATIJALAR TAHLILI	296-301
<i>Sharipova Sitara Xaydarovna</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA RUS TILI FANINI O'QITISHDA MUAMMOLI TA'LIMDAN FOYDALANISH	302-307
<i>Isag'aliyeva Sadafxon Muxammadaminovna</i> BIOLOGIYA O'QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INTERFAOL USULLARNI QO'LLASH	308-312

<i>Umarov Abdusamat Abdumalikovich, Xojimurodova Mahliyoхon Kenjavoy qizi</i> OILA VA NIKOH SHAROITIDA AYOLLAR SPORTINING MUAMMOLARI	313-317
<i>Sulaymanova Dildora Nazarovna</i> LOYIHAGA ASOSLANGAN O'QITISH TEXNOLOGIYASINING MOHIYATI VA MAZMUNI...318-325	
<i>Ro'ziev Rustam Ro'zimurodovich</i> YONG'IN XAVFSIZLIGI MADANIYATI–ODDIYLIKDAN KOMILLIK SARI	326-330
<i>Акрамов Баходир</i> МАЛАКАЛИ ДАРВОЗАБОНЛАРНИ ЎЙИН ДАВОМИДА БАЖАРИЛАДИГАН ТЕХНИК- ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	331-336
<i>Anvarjonov Ahrorjon Ahadjon o'g'li</i> BO'LAJAK TARIXCHILARDA TARIX FALSAFASI VA UNING ZAMONAVIY KONSEPSIYALARIGA DOIR BILIMLARNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI	337-342
<i>Umarov Bekzod Azizovich</i> RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA PEDAGOGLARNING PROFESSIONAL KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MODELI	343-349
<i>Бекимбетова Дильфуза Оралбаевна</i> РАЗВИТИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА И ГОСУДАРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ	350-356

09.00.00- Фалсафа фанлари

Хасанов Бобуржон Хакимович
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети тадқиқотчиси
Эл. Почта: sherzodxamrayev1990@gmail.com

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ҒОЯВИЙ-МАҒКУРАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада, мамлакатимизда оммавий норозилик намоёнларини олдини олиш борасида амалга ошириладиган давлат сиёсати ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ғоявий-маақуравий тарғибот тадбирлар ёритилган.

Калит сўзлар: миллий ғоя, мағкура, миллий юксалиш, Ренессанс, сиёсат, фалсафа.

Хасанов Бобуржон Хакимович
Исследователь Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ ПРОТЕСТНЫХ ДВИЖЕНИЙ В РАЗВИТИИ ОБЩЕСТВА

Аннотация. В данной статье освещается государственная политика, реализуемая в нашей стране по предотвращению массовых протестов, а также идейно-пропагандистские мероприятия, которые должны осуществляться в будущем.

Ключевые слова: национальная идея, идеология, национальный подъем, Ренессанс, политика, философия.

Xasanov Boburjon Hakimovich
National University of Uzbekistan,
named after Alosher Navoi, Researcher

IDEOLOGICAL CHARACTERISTICS OF PREVENTION OF PUBLIC PROTEST MOVEMENTS IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

Abstract. This article highlights the state policy implemented in our country to prevent mass protests, as well as ideological and propaganda activities that should be carried out in the future.

Key words: national idea, ideology, national rise, renaissance, politics, philosophy.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6Y2023N21>

Кириш. Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки кунларида - эски мағкурадан бутунлай воз кечилаётган, янги мағкура эса ҳали ишлаб чиқилмаган, илмий асослаб берилмаган кезларда, маънавият соҳасида

бўшлиқ пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам янги миллий ғоя, миллий мафқурани яратиш зарурати кун тартибдаги асосий масала бўлиб қолди.

Адабиётлар таҳлили ва методлар. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбирлари билан айтганда, “Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафқуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсон этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда [1].

Мустақиллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг дунёқараши, фикрлаш тарзида теран ўзгаришлар рўй берди. Халқимизни бирлаштирадиган, бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этадиган, унинг эзгу мақсадлари ва ҳаётий манфаатларини ўзида ифодаладиган миллий ғоя ва мафқурани яратиш ижтимоий – сиёсий ва маънавий-ахлоқий тараққиётимизнинг муҳим шарти бўлиб қолди. Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафқуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафқурани шакллантиришни тақозо этди [2].

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида миллий юксалиш ғоясини халқимиз онгу шуурига сингдириш ва ҳаёт тарзида амалий акс эттириш муҳим масаладир. Бугун халқимиз, Ватанимиз интилаётган миллий тараққиётнинг янги босқичига хос асосий хусусиятлар, мақсад ва вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев бошчилигида ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган тараққиёт стратегияси ва бошқа муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳужжатларда аниқ белгилаб берилди. Уларда жаҳондаги, Марказий Осиё минтақасидаги вазият, ривожланиш тенденциялари, истиқболдаги тараққиёт йўллари чуқур таҳлил этилган.

Бугунги кунда миллий юксалиш ғоясини ривожлантиришнинг ижтимоий-маънавий асоси - манбаларини, унинг назарий муаммолари ва амалий тажрибаларини чуқур ўрганиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунда уларни аниқ тарихий шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб ўрганиш зарур. Чунки, унинг ривожланиш босқичлари ва даражалари ҳар бир конкрет даврларнинг ўзига хос ижтимоий эҳтиёжларини ва имкониятлари билан белгиланади.

Тарихий ҳақиқат шундан далолат берадики, ҳеч қандай жамият ва миллат, миллий ғоясиз яшай олмайди. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган миллий ғояси бўлади [4]. Одамлар қайси бир жамиятда яшашидан қатъи назар нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши керак. Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий жиҳатдан тараққий эттириш учун миллий юксалиш ғояси сув билан ҳаводек зарур.

Аҳолимизни турли ғоявий таҳдидлардан сақлаш, уларни маънавий – ахлоқий тарбиясини юксалтириш учун, аввало, уларни миллий юксалиш ғояси ва мафқураси

билан қуроллантириш зарур ҳисобланади [5]. Юртимизда ижтимоий адолат, тинчилик ва хавфсизлик, ижтимоий ва иқтисодий муҳофаза, миллати, дини, ирқи ва эътиқодидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини, шаъни ва қадр-қимматини, қонуннинг устуворлигини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жамиятимиздаги соғлом ижтимоий-сиёсий муҳитга таъсир ўтказадиган, одамлар онги ва фикрини чалғитадиган нохуш ҳолатларга барҳам бериш бу каби ҳолатларни олдини олиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Халқ ва мамлакат манфаатлари йўлида жипслашиш, ҳамжиҳат бўлиш, мавжуд имкониятлардан эҳтиросларсиз, ақл-идрок билан фойдаланиш йўли тугилди.

Мустақиллик йилларининг бошидан бошланган жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий юксалиш ишларини жадаллаштиришга бугунги кунда ҳам зарурат сезилмоқда.

Миллий ғоямиз ижтимоий тараққиёт ривожига қараб такомиллашиб, янгилашиб боради. Давр талаби билан ўртага ташланган муайян қоидалар ўз вазифасини ўтаб бўлиб, ўрнини янада долзарброқ бошқа хусусиятларга бўшатиб беради. Миллий юксалиш ғояси айни ана шундай доимий янгилашиш маҳсули, онг ва тафаккур ҳосиласи ҳисобланади.

Миллий юксалиш ғояси Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни буюк давлатга айлантириш ҳақидаги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, фалсафий, илмий, экологик, диний, демографик тарихий қарашлар йиғиндиси бўлиб, Ўзбекистон халқини истиқболга юксак ишонч, иймон-эътиқод руҳида тарбияловчи ғоят қудратли маънавий қурол, ғоявий омил ҳисобланади.

Ана шу сабабдан ҳам мамлакатимиз ҳудудини мафкуралар полигонига айланишига йўл қўймай, Ўзбекистон халқининг онги, дунёқараши, ҳаётга ижтимоий муносабати, ҳатти-ҳаракатларида мафкуравий иммунитетни шакллантириб, миллий юксалиш мафқурасини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдириш, бугунги кундаги муҳим вазифадир.

Бунинг йўли - одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш [5]. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтиришдир.

Натижа ва муҳокама. Миллий ғоямиз аввало инсон, халқ ва жамият ҳаётига чуқур сингиб борадиган таъсирчан омил сифатида жамиятнинг бош мақсадини ифода этади.

Шундан келиб чиқиб, тараққиётининг ҳозирги босқичида “миллий тикланишдан, миллий юксалиш сари” деган буюк мақсад, мамлакатнинг бош ғояси сифатида майдонга чиқмоқда.

Мазкур миллий юксалиш ғоясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат[4]:

- Мамлакатмизни 2030 йилгача, дунёдаги элликта иқтисодий ва демократик ривожланган давлатлар қаторига киришига эришиш;
- буюк тарихимдан келиб чиқиб, буюк алломалар, енгилмас саркардалар,

атоқли давлат ва жамоат арбоблари, ҳозирги замондошларимиз жасоратини ёшларга етказиш орқали, уларнинг қалбида юртга садоқат, миллий ифтихор ва ғурур туйғуларини янада кучайтириш;

- аҳолининг яшаш сифатини янада юқори даражага олиб чиқишга қодир иқтисодий механизмларни жорий этиш;

- хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, гендер тенглигини таъминлаш;

- ўзбек тилини кундалик ҳаётимиздаги ўрнини ва нуфузини ошириш;

- жамиятда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликнинг ғоявий асосларини мустаҳкамлаш орқали, мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, дини, миллий урф-одат ва қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини ва адолат тамойиллари устунлигини таъминлашда, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши зарур” деган ғояга қатъий амал қилиш;

- таълим тизимида Ўзбекистоннинг эртанги тақдирини ўз қўлига олишга қодир ёшларни тарбиялаш ва ушбу йўналишда инновацион ёндашувларни кенг жорий қилиш;

- замон талабига жавоб берадиган, ватанпарвар ва ҳалол кадрларни танлаш, тайёрлаш ва уларни тайинлаш бўйича самарали тизим яратиш;

- таълим ва тарбия жараёнларини тараққиётнинг бош омили сифатига чиқариш;

- чет элларда таълим олаётган ёшлар ва меҳнат қилаётган ватандошларимизнинг билим ҳамда тажрибасидан, мамлакат раванқи йулида ишлатиш учун зарур шарт- шароитлар яратиш;

- мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги обрўсини ва нуфузини ошириш.

Мафкуравий таҳдидлар кучайган бир пайтда, аҳолимиз қалбида юртимизга, миллий қадриятларимизга, она тилимизга, муқаддас динга соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, уларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Шу нуқтаи назардан, биз ҳам ёшларимиз қалби ва онгида зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни янада шакллантирсак, шунда улар турли деструктив ғоялар таъсирига тушмайдиган, Ватанни ва халқимизни фидойи инсонларни тарбиялай оламиз.

Мамлакатимизда маънавий-ахлоқий юксалиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш учун, ушбу мақсадга йўналтирилган ғоявий тарбия ишлари самадорлигини ошириш лозим.

Ғоявий тарбия жараёнида жамиятимиз аъзоларида ўз фикри, атрофида кечаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларни, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш муҳим вазифалардан биридир. Миллий юксалиш ғоясининг жамиятимиз маънавий- ахлоқий юксалишидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, фуқароларимиз

билан қуйидаги ишларни олиб бориш лозим:

- жамиятимиз аъзоларини мамлакатимиздаги ўзгаришлар, “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” ғоясининг мазмун-моҳияти ва тарихий аҳамиятини англаб етишларига эришиш;

- тарихимиз, ўтган авлод-аждодаларимизни, миллий қадриятларимиз, урф - одат ва анъаналаримизни билиш ва ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш;

- жамиятимизнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш;

- таълим тизимида олиб борилаётган таълим-тарбия ишларида маънавий-ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор қаратиш;

- оммавий-ахборот воситалари, радио ва телевидение, ижтимоий тармоқлар фаолиятида миллий юксалиш ғояси тарғиботи, маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига кўпроқ эътибор қаратиш;

- жамиятимизнинг миллий юксалиш ғоясини фуқароларимиз онги ва қалбига сингдириш, уларда миллий ғояга ҳурмат туйғусини шакллантириш.

Хулоса. миллий юксалиш ғоясини халқимиз онгига сингдириш жамиятимиз маънавий – ахлоқий тикланишининг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Бу жараён албатта вақт талаб этади. Бунда ҳар бир фуқароларимизнинг фаоллиги ва омилкорлиги талаб этилади. Унинг амалга оширилиши эса, янги Ўзбекистоннинг салоҳиятини ва келажакдаги ривожини янада оширади, шунингдек келажакда “Учинчи ренессансга” асоси яратилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ш.Мирзиёев. “Ўқитувчи ва мураббийларимиз, Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта кучдир” нутқи. 2020 йил.
2. Ахмедов Х. “Ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш асослари” ўқув услубий қўлланма. – Тошкент, 2021.
3. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент, “Шарқ”, 1998.
4. Назаров Қ. Миллий ғоянинг асосий мақсад ва вазифалари. –Т., 2002.
5. Тўраев Б. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. –Тошкент, 2002.
6. Мухамеджанова Л.. «Роль нравственности в общественном сознании», Научный вестник Наманганского государственного университета : Вып. 1: Вып. 9 , статья 17. 2019.
7. Мухамеджанова Л. Роль нравственного воспитания в развитии личности. Вестник Евразийского национального университета имени Л. Н. Гумилева. Серия: Исторические науки. Философия. Религиоведение, 2021.
8. Хасанбоев Ў. “Диний-маърифий ва ижтимоий маънавий тарғиботчилари учун айрим атама ва ташунчаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 99.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 6 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).